

12 май- Халқаро ҳамширалар куни



Хар йили 12 май - Халқаро ҳамширалар куни сифатида бутун дунё бўйлаб кенг нишонланади. Юртимизда ҳам ушбу сана муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Ана шундай тадбирлардан бири ЎзМТД партиясидан Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутатлигига 7-«Ат-Термизий» сайлов округидан сайланган депутат Акмал Авлияқулов ташаббуси билан Вилоят Руҳий-асаб касалликлари шифохонасида ташкил этилди.

Тадбирда сўз олганлар ҳар қандай вазиятда bemорга bemиннат кўмак беришга тайёр, қўли енгил, сўзи ширин, малакали ҳамширалар фаолиятини эътироф этиб, Халқаро ҳамширалар куни билан самимий қутлашди.

Шунингдек, бир груп фидойи ва жонкуяр ходимлар партиянинг эсдалиқ совғалари ва фахрий ёрликлари билан тақдирланишди.